

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Кўлёзма хуқуқида  
УДК: 330.101.(541)**

**РАХИМОВ РАХМАТЖОН РУСТАМЖОН ЎҒЛИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ЖАЛЬ ЭТИЛГАН  
ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИНИ  
БАҲОЛАШ**

**5A 230103 - Макроиктисодиёт**

**Магистр илмий даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация**

**Илмий раҳбар:  
и.ф.д., профессор Б.Беркинов**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Магистрлик диссертацияси “Макроиктисодиёт” кафедрасида  
дастлабки ҳимоядан ўтган.**


11 - сонли баённома “30 май 2019 йил.

**Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Беркинов Б.Б.**

  
(имзо)

30.05.195  
(сана)

**Магистр: Рахимов Р.Р**

  
(имзо)

30.05.195  
(сана)

#### **Аннотация**

Магистрлик диссертациясида “инвестиция”, “инвестицион жозибадорлик” тушунчалари мазмун-моҳияти очиб берилган ҳамда иқтисодиётга инвестиция киритишинг илмий – услубий асослари, иқтисодий ўсишга таъсир этувчи омиллар ва уларни инвестиция муҳитига таъсири таҳлил қилинган.

Диссертацияда иқтисодиётни модернизация қилишга жалб этилган инвестициялар таркиби, уларнинг ўзгариш динамикаси ҳамда самарадорликни тафсифловчи макроиктисодий кўрсаткичлар тармок ҳамда худудлар даражасида баҳоланган.

Шунингдек, диссертацияда Миллий иқтисодиёт тармокларига инвестиция киритиш мухитини такомиллаштириш ва уни худудлар инвестицион жозибадорлигини ошириш йўналишлари таклиф этилган.

#### **Аннотация**

Магистерская работа определяет понятия «инвестиции», «инвестиционная привлекательность» и научно-методическую базу для инвестиций в экономику, факторы, влияющие на экономический рост и их влияние на инвестиционную среду.

Структура инвестиций в модернизацию экономики, динамика их динамики и макроэкономические показатели эффективности оцениваются на уровне отрасли и региона.

Также в диссертации предлагается улучшить инвестиционный климат в национальной экономике и повысить ее инвестиционную привлекательность.

#### **Annotation**

In the master's dissertation, meaning and importance of "investment", "investment attractiveness" terms are described as well as systemization of state control over investment operations, mechanisms of encouraging of investors and legal basis for its fulfillment.

In the dissertation, investments attracted for modernization of economy are evaluated on macroeconomic industries and regional levels by their content, tendency of changes in content as well as by indicators for classification of effectiveness of those investments.

Also, the dissertation proposed to improve the investment climate in the national economy and to increase its investment attractiveness.

## Мундарижа

|   |           |
|---|-----------|
| <b>КИРИШ.....</b>   | <b>3</b>  |
| <b>1 БОБ. ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ ТАЪМИНЛАШДА ДАВЛАТНИНГ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШ УСУЛЛАРИ.....</b>                   | <b>9</b>  |
| 1.1. Бозор муносабатлари шароитида давлатнинг инвестиция сиёсати ва унинг ҳозирги босқичидаги ўзига хос хусусиятлари.....     | 9         |
| 1.2. Давлатнинг инвестиция фаолиятида тўғридан-тўғри иштироки ва иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш усуллари..... | 16        |
| 1-боб бўйича хулоса.....  | 25        |
| <b>2 БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИШ ВА УЛАРНИ ИҚТИСОДИЙ ЎСИШГА ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ.....</b>              | <b>26</b> |
| 2.1. Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар жалб қилишнинг ҳозирги ҳолати.....  | 26        |
| 2.2. Миллий иқтисодиётга чет эл инвестицияларини жалб этиш тенденциялари.....   | 32        |
| 2.3. Иқтисодиётга жалб қилинган инвестицияларнинг иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари ўзгаришига таъсири.....                        | 39        |
| 2-боб бўйича хулоса.....  | 47        |
| <b>3 БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ИНВЕСТИЦИЯЛАР ЖАЛБ ЭТИШНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛЛАРИ.....</b>               | <b>48</b> |
| 3.1. Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида инвестиция муҳитини такомиллаштириш.....                                | 48        |
| 3.2. Иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналарида инвестицион жозибадорликни ошириш йўналишлари.....                                | 56        |
| 3.3. Иқтисодиёт тармоқларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни такомиллаштириш йўллари.....                 | 59        |
| 3-боб бўйича хулоса.....  | 69        |
| <b>ХУЛОСА .....</b>   | <b>71</b> |
| <b>АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>  | <b>74</b> |
| <b>ИЛОВАЛАР.....</b>  | <b>80</b> |

## КИРИШ

Мавзунинг асосланиши ва долзарбилиги. Ўзбекистон Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> белгилаб берилган устувор вазифалар ҳамда уни амалга ошириш тамойилларига қатъий амал қилган ҳолда барқарор иқтисодий ўсиш учун мустаҳкам пойдевор яратди. Шу билан бирга мамлакатда ташки иқтисодий алоқалар ишончли тарзда ривожлантирилмоқда, хорижий инвесторлар иштирокида йирик инвестицион лойиҳалар амалга оширмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётини янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида диверсификация қилиш учун хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш ва фаоллаштириш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Буни амалга ошириш учун Ўзбекистонга инвестиациялар киритиш йўналишлари ҳақида хорижий ишбилармон доираларни хабардор қилиш, кўшма ишлаб чиқаришларни ташкил қилишни кенгайтириш учун инвестиция муҳити жозибадорлигини янада яхшилаш талаб этилади.

Шу билан бир вактда ҳозирги босчиқда инвесторларга берилган имтиёзлар кўламлари кенгайиб, Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган ички ва ташки инвестиациялар кўпаймоқда. Аммо жаҳон молиявий-иктисодий инқирози туфайли давлатлар ўртасида хорижий инвестицияларга талаб ракобати янада кескинлашмоқда. Шуни ҳисобга олганда инвестицион фаолиятни тартибга солиш механизмларини баҳолаш, уни янада соддалаштириш, ойдинлаштиришга ҳамда инвестиция муҳитини яхшилашга эҳтиёж сезилмоқда.

Умуман олганда хорижий инвесторларга яратилган кулай инвестиция муҳитини янада яхшилаш ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишининг энг долзарб вазифалар қаторига киради. Шунинг учун, бугунги кунда республикамизда олиб борилаётган инвестиция сиёсати, яъни иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш учун хорижий

<sup>1</sup> “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси Конун хужоатлари тўплами. 2017 йил, 6-сон 70-модда.